# ҚОРАҚАЛПОҚ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

**Хайтбаев Ойбек Алламбергенович,**
*Нукус ДПИ Ўзбек тили кафедраси ассистент ўқитувчиси*
*e-mail: xaytbayev_oybek@mail.ru*

***Annotation:*** *The article proves with examples that skilled writers skillfully use phrases in the language to increase the emotional expressiveness of the work and exaggerate certain characteristics of the hero.*

***Key words:*** *phraseological unit, phrase, intoduction, difference, stylistic coloring, seme, gradient.*

Фразеологик бирлик мураккаб қурилишли, тилда тайёр ҳолда сақланадиган, қисмлари ўзгармайдиган, нутққа ҳам шу ҳолида киритиладиган кўчма, образли маъноли турғун бирикма эканлиги маълум. Маҳоратли адиблар тилдаги фраземалардан асарнинг эмоционал-экспрессивлигини оширишда, қаҳрамоннинг айрим хусусиятларини бўрттириб тасвирлашда улардан усталик билан фойдаланадилар. Шу билан бирга уларнинг таркибига ўзгартиришлар киритиш, уларни қайта шакллантириш орқали ҳам таъсирчанлигини орттиришга эришадилар. Татар шоири Хасан Туфан асарларида қўлланилган фразеологик бирликларни тадқиқ қилган тилшунос Г.Ахмадалиева шоирнинг фраземалар таркибини субституция асосида трансформация қилганлигини таъкидлайди [1: 19].

Тилшунослар фразеологик бирликларнинг структур-семантик ўзгаришларининг киритма ва айирма каби икки типини кўрсатадилар [2: 87]. Тилшунос Б.Болтаева ҳам киритманинг сўз ва сўз бирикмаси киритилиши каби икки кўринишини эътироф этади. Киритмалар бирикманинг шаклини ўзгартириш асосида янги структурали ва янгича маъно қирраларига эга бўлган фразеологик бирликларни шакллантиришга хизмат қилади. Дарҳақиқат, киритмалар фразеологик бирликларнинг: а) маъносини кучайтиради; б) маъносини конкретлаштиради; в) стилистик вазифани бажаради; г) ташқи шаклини ўзгартиради” [3: 14-15].

Ш.Сейитов халқ тили фразеологизмлари таркибидан ниҳоятда зарурларини танлаб олиб, имконияти борича ўзгартиради, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага мувофиқ фразеологизмнинг услубий бўёқдорлигини кучайтиради. Қорақалпоқ тилида юз-хотирга қарамасдан гапнинг тўғрисини айтадиган одамга нисбатан ишлатиладиган ***тили ўткир*** фраземаси ёзувчи томонидан ***тили шаққыдай*** шаклида қўлланган. Қорақалпоқ тилидаги ***шаққы*** сўзи ўзбек тилида қаламтарош сўзи орқали таржима қилинади. Одатда ёши

катта одамлар баъзан фойдаланиш учун ёнида қаламтарош ҳам олиб юришган. Ундан овқатланиш пайтида гўшт тўғрашда, мева- сабзавотларни тозалашда фойдаланишган. Сўзнинг ўткирлигини қаламтарош (***шаққы***) га ўхшатиш орқали нутқнинг таъсирчанлигини оширишга эришган: *"Бул дым нашарға бетлесип көрмеген адам қусайды-аў, ҳәмменің* ***тили шаққыдай болып келе бере ме"*** *деген̄ди ойлаған сайын: "Қаттылаў келе қойдым-аў, обал болды аў!" деген аяныш кеўилин табыўдың илажсын излете берди* (Ш.Сейитов).

Қаламтарош ёки қорақалпоқча шаққы ўртасидан буклангалиги сабабли у олиб юришга ишлатишга қулай ҳисобланади. Ёзувчи Ш.Сейитов "гапиришдан бирданига тўхташ, нутқни давом эттирмаслик маъноларини ифодалаш учун жағларини ёпиш" маъносини ифодалаш орқали нутқнинг таъсирчанлигини оширишга эришган: – *Қойып тур, Назарбай иним, – Толыбай да, бужыр бет те* ***жақларын шаққыдай жыйнап алды*** (Ш.Сейитов). Мазкур маънони ифодалашда юқоридаги фраземанинг синонимидан ҳам моҳирона фойдалана олган: *Избасқанның ғәзебин көзинен оқыған Толыбай да* ***жағын жайлаўынан жыйнап алды*** (Ш.Сейитов).

Фразеологик трансформация усули билан, яъни ***көкиреги өшип қалыў*** фраземасига *бас пүкил* компонентларини қўшиш орқали фраземанинг таъсирчанилигини оширишга эришган: *Алдына қойған чайдан да жөнлеп ишпеди,* ***көкиреги бас пүкил, өшип қалды*** (Ш.Сейитов).

Қорақалпоқ тилида "омади келмоқ, моддий бойликка эга бўлмоқ" денотатив семаларига эга бўлган бир неча фразеологик синонимлар бор. Масалан: *Несийбесине, буннан саўатлырақ молла-ийшанлардың бәри хатланып,* ***буның ешеги жорғалап тур***. (М.Нызанов). Ш.Сейтов ушбу маънода янги фразема яратади: *Кеңес келип,* ***қорасында ешки қумалақлағалы*** *буннан да уйқы қашқан* (Ш.Сейитов). Бунда қаҳрамоннинг илгари кўрмаган, оз бўлса ҳам моддий бойлик орттиргани, бир неча қўй-эчки сотиб олгани, яъни моддий жиҳатдан турмуши яхшилангани маъносини образли равишда тасвирлаб берган.

Сир сақлай олмаслик, ичидаги гапини ташқарига чиқаришга шошилиш маъносида ***иши жарылып кетиў, бир жарылыў*** синоним фраземалари ишлатилади: *Ғапыў етиң, Қундазар аға, "айтпаймын" деп ант ишкеним ырас, айтпасам, осы,* ***ишим жарылып кете жақ!*** (Ш.Сейитов). *Иним, Сапаров, Федотов иним, сен де тыңлап отыр,* ***мен бир жарыла жақпан!*** *Мен бай да емеспен, мен жарлы да емеспен...* (Ш.Сейитов. Халқабад).

"Қурумсоқ, чиқимсиз" денотатив семаларига эга бўлган *симсик адам, иштан бийт* каби фраземалари инсонларнинг характерини очишда

фойдаланилади: *Ойласатуғын да адам қапылды бул журттан, Исбасқанға айтсаң, “қара қайғың – малың, дүньяхор, махсети майда,* ***симсик адамсаң,*** *халықтың, мына умуўмый мусылманның ғамын неге ойламайсаң!” деп, алып топылады* (Ш.Сейитов). *Мә, абырайыңды жаўып ал, уятсыз,* ***ыштан бийт****! – деп қораға зыңды, тоңқыллады: –Усындай* ***ыштан бийтлер*** *менен социализм қура жақпызаў* (Ш.Сейитов). Юқоридаги “бийт” зооним компонентли (ўзбекча – бит) фразема одамга нисбатан ишлатилганда унинг “қурумсоқлиги, чиқимсизлиги, майдалиги меъёрдан ортиқлигини образли тарзда тасвирлаш орқали ифоданинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Фраезологик бирикмаларда контаминация ҳодисаси мавжуд. Ўзбек тили фраземаларидаги контаминация ҳақида тилшунос Ш.Ганиева шундай ёзади: ”Фразеологик бирликларнинг ички боғланиши учун хизмат қилувчи бўлаклар миқдорига асосланган ҳолда фразеологик бирликлар контаминациясининг қуйидаги кўринишлари келтирилади:

1. Икки таркибли контаминантлар. Икки фразеологик бирликка хос айрим контаминантлар қўшилиши орқали янги фразеологик бирлик ҳосил бўлади:

*“Димоғи шишмоқ – бурни кўтарилмоқ – димоғи кўтарилмоқ”*. Шунингдек, ишда уч ва тўрт таркибли контаминантлар ҳақида ҳам маълумот берилган [4: 28]. Қорақалпоқ тилида ***кеўили тыншыды*** фразеологизми “*қәўетерленбеди, тәшўишленбеди*” маъноларига эга (ҚҚТФС, 93). *Суў сепкендей (қуйғандай)* фразеологизми *“тым-тырыс, сес жоқ, тыныш, жым-жырт”* маъноларига эга (ҚҚТФС, 141). Атоқли ёзувчи М.Нызанов икки фразеологизмни бириктириб, контаминация асосда ***кеўил суў серпкендей*** фразеологизмини яратади: *Бәлким, демесе-демес, мақсымның ҳүрмети ушын анаў-мынаў гәптиң басына бармаўы мүмкин дә, лекин, “өзлериң жейбериң, мен бара алмаспан” десе қызып турған* ***кеўил суў серпкендей болар*** *деп пикирледи елти* (М.Нызанов). Мазкур фразема орқали кўнгил хотиржамлигининг ортиқ даражада эканлигини моҳирона тасвирлай олган.

Қорақалпоқ тилида *“очкўз, порахўр, еб тўймас”* маъноларида ***нәпси бузық*** фраземаси ишлатилади. Адиблар мазкур маънони ифодалаш учун унинг синоними бўлган фраземаларни ижод қиладилар ва ифоданинг янада таъсирчан бўлишига эришадилар. Ш.Сейитов ушбу маънода ***алқымы опқандай ашылыў*** фраземасини қўллайди. ***Ўпқон*** сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланган:

**ЎПҚОН 1** Сувни тортиб кетадиган, ер остидаги кўринмас чуқурлик, ғовак, бўш жой. *Ариқнинг тагидан ўпқон чиққан экан, каттариб-каттариб, устидаги тупроқни ҳам қулатиб туширибди. (*П.Қодиров, Яхшилик). *Харсанглар*

*тагидан ўзига йўл топган сув бетида ўпқоннинг воронкага ўхшаш гирдоби айланар.. эди. (* С. Аҳмад, Қадрдон далалар). *Оқсойнинг таги тубсиз, ўпқонлари бор. Уни тўхтатиб бўлмайди. (*С. Анорбоев, Оқсой).

**2** *кўчма* Гирдоб, исканжа; қамров, куршов. *Хотинлар пайдо бўлиши билан қайта бошдан куч олган жанжал ўпқони уни тобора ўз заптига торта бошлади. (*Н. Норқобилов, Бекатдаги оқ уйча).

**Нафси** *(ёки* **жиғилдони) ўпқон** ҳеч түймайдиган. *Оғайнилар, айтган сўзим лоф эмас, Нафсим ўпқон, қоп эмас.* "Муштум". *Бу йил ўпқонга айланган жиғилдоннинг мўрисини келаси йил янада кенгайтириб, ғорга айлантирмоқчи.* "Муштум". [ЎТИЛ, V, 167]. Бу сўз қорақалпоқ тилида ҳам шундай маънода ишлатилади. Ш.Сейитов сўзнинг кейинги маъносидан фойдаланиб ўзига хос фразема ярата олган: *"Мынаў Толыбай сада екен-аў, буны бир баплайын" деген ой менен, Назарбайдың* ***алқымы опқандай ашылып кеткен еди*** (Ш.Сейитов).

Қорақалпоқ тилида шу маънода ***түйени түги менен, ешекти жүги менен; түйени түги менен, гүбини түби менен; түйени түги менен жутатуғын*** фраземалари ишлатилади. Мисол:

*–Екеўи де "****түйени түги менен, ешекти жүги менен жутады",*** *дейди ғой.* ***–****Бул гәпти еситкен Кеңесбай ериксиз күлип жиберди* (Ж.Сапаров).

М.Нызанов контаминация усулидан фойдаланиб, ўзига хос, фраземанинг янги шаклини яратади: *–Бул Өтемуратовың сумлыққа қараса* ***түйени түги менен, гүбини түби менен, арбаны жүги менен жутатуғын*** *адам екен* (М.Нызанов). Бунда муаллиф иккита фраземани бир-бирига қўшиб, янги фразема ҳосил қилиш билан ифоданинг таъсирчанлигига эришган. Белгининг ўта кучли эканлигини кўрсатган. Фраземадаги *түги, түби, жүги* ўзаро оҳангдошликни, қофияни юзага келтирган. Шунингдек, фраземадаги унли фонемалар ўзаро ассонанс ҳодисасини, ундош фонемалар аллитерация ҳодисасини ҳосил қилади. Бу ҳолат фраземанинг таъсирчанлигини, мусиқийлигини таъминлайди ва ўқувчининг хотирасида тез сақланиб қолади.

Тилда "бирор ишни уддалай олмасдан, бузиб қўйиш, расвосини чиқариш" маъноларига эга бўлган ***гөжени төкти*** фраземаси ишлатилади. М.Нызанов ушбу фраземадан ҳам моҳирона фойдалана олган: *–Яқ, жазбаң, Оксана. Меники дусмалый гап. Балким, Жумабай аға асырып айтқан шығар. Мен озимнин "****гөжени төгип алғанымды****" сездим* (М.Нызанов).

Муаллиф ушбу фраземага синоним бўлган фраземадан ҳам моҳирона фойдаланади. Ўз маъносида **арбаны аўдарып алыў** (ўзбекча – аравани ағдариб олмоқ) сўз бирикмасини кўчма маънода қўллаш орқали фразема ҳосил қилади:

*Арамызда бираз ўақыт унсизлик ҳуким сурди. Ол не деп гәп басларын билмегендей, меннен гәп куткенге усап ўақты-ўақты қарап қояр, ал мен болсам жане “**арбаны аўдарып алыўдан**” қорқып, жақсысы, үндемегенди мақул билип келер едим* (М.Нызанов).

Қорақалпоқ тилида “мутлақо гапирмаслик, суҳбатда иштирок этмаслик” маъноларини ифодалайдиган бир қанча фраземалар мавжуд: ***аўызын ашпады, аўызына қатық уйытқандай (уйытты), аўызына қум қуйды, аўызына суў толтырғандай (уртлағандай), аўызына тақан (сөк) салғандай, аўызын буўған өгиздей*** ва ш.к.

М.Нызанов ушбу фраземалардан ҳам қаҳрамонларнинг портретларини яратишда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишда моҳирона фойдалана олган:

–***Аўызымда тақаным бар!*** *– деди Шазада оның нени тымсаллағанын түсинип* (М.Нызанов). *Мен **аўызыма суў уртлап алғандай**, дым үндемей тура бердим* (М.Нызанов).

Тилшунос Г.Алламбергенова И.Юсупов асарларидаги фразеологизмларнинг услубий қўлланилишини ўрганар экан, қуйидаги фикрларни келтиради: “*Градация ҳосил қилиш хизмати.* Шоир шеърларида градация ҳодисаси учрайди: ***Дәўлет қайтып, иси шапса насырға//*** *Дослар өсек айтар ошақ басында* (Әжинияз шайырдың самалға шағыныўы). Келтирилган мисолда “Дәўлет қайтыў, иси насырға шабыў” фраземалари орқали воқеа ва ҳодиса аста-секинлик билан кучайтирилиб, градация ҳосил қилинган” [5: 20]. Мана бу мисолда ҳам *“тили таңлайына тығылыў, өкпеси аўызына тығылыў”* фраземалари ёнма-ён келиб, градация ҳосил қилган ва маънони кучайтиришга хизмат қилган: *Назарбайдың **тили таңлайына, өкпеси аўызына тығылды**.* (Ш.Сейитов). Қорақалпоқ тилида “тилин жутып жибергендей” фраземаси ҳам мутлақо гапирмаслик маъносини бошқалардан кўра кучлироқ ифодалайди: *Белиңди бекем буў, Елибай иним, ағаңның өшин аламыз, – дей бергени, Елибай үндемеди, **тилин жутып жиберген адамдай** үнсиз журип келди де Мәдиярдың жуп жағасынан алды* (Ш.Сейитов).

Хулоса қилиб айтганда, адиблар синоними бўлган фраземаларни ижод қиладилар ва тасвирланаётган воқеа-ҳодисага мувофиқ фразеологизмнинг услубий бўёқдорлигини оширишда ва қаҳрамонларнинг портретларини яратишда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишда моҳирона фойдалана олган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Ахмадалиева Г.Г. Синонимы и фразеоматериал как средства лингвопоэтики в творчество Хасана Туфана. Автореф. дисс. ...канд филол.наук. –Тобольск, 2009. –С.19.
2. Алламбергенова Г.А. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши. Филол. фан. Бўй. Фалс. Докт. Дисс. автореферати. – Нукус, 2019. – С.20.
3. Болтаева Б.И. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил). Филол. фан. бўй. фалс. докт. дисс. автореф. – Самарқанд, 2019. – С. 14-15.
4. Ганиева Ш. Фразеологик бирликларнинг синтагматик тадқиқи. Филол. ф. докт. (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2023. – С. 28.
5. Кунин А.В. Фразеология современного английского языка. – М.: 1986. –С. 87;
6. Арсентьева Е.Ф. Типы контекстуальный трансформаций фразеологических единиц. – Наб. Челны: Рудик, 2002. – 298.
7. Пахратдинов Қ., Бекниязов Қ. Қарақалпақ тилиниң фразеологизмлер сөзлиги. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2018.
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент, 1992.